



«Амир Абдулкодир Жазоирда туриб мужохид имом Шомил хакида эшитган. Имом хам у хакда эшитиб, хурматини изхор этган.

Жисмонан учрашишмаган бўлсада, жанговар рухи, илгари сурган гоёлари ва олиб борган сиёсатига кўра иккаласи бир-бирига якин бўлган». Атокли Ислом тарихшуноси доктор Али Саллабий Баъзан икки киши ўртасида хайратланарли даражада маънавий алоқа шаклланади, гарчи иккаласи ҳеч қачон учрашмаган бўлсада. Дунёнинг турли бурчакларида, баъзан бошқа-бошқа замонда яшашса ҳам, улар бир бирини хис этишади. Бундай кишилар нафакат шахсий сифатларию яшаётган муҳити, балки қисмати билан ҳам ўзаро якин бўлишади. Иккаласини, таъбир жоиз бўлса, маънавий жихатдан гойибона эгизаклар дейиш мумкин. Чунончи, агар қимдир амир Абдулкодир Жазоирнинг таржимаи холи билан танишиб чиққан бўлса, амирнинг биографияси тахминан бир вақтда, аммо Жазоирдан анча олисда - Кавказ минтақасида яшаб ўтган бошқа бир буюк Исломий саркарданинг таржимаи холига жуда ўхшаб кетишига ишонч ҳосил қилади. Бунда гап имом Шомил Догистоний тўғрисида бормокда. Имом Шомилнинг тарихи амир Абдулкодир Жазоирнинг тарихи билан деярли бир хил. Иккаласи аслзодалар насабига мансуб бўлиб, шариатга оид билимларни болалик ёшидан эгаллашган. Жуссалари-нинг давангирдай бичими билан ҳам бир хил бўлишган. Иккаласи ҳам ўз юртининг тарқок қабилаларини бирлаштирган, босқинчиларга қарши курашиб, кўпдан-кўп жангларда қўлиб чиқишган. Иккаласига ҳам атрофдагилар ҳоинлик қилишган, иккаласи ҳам ёрдамсиз қолиб, босқинчилар томонидан асир олинган. Иккала саркарданинг қисмати нафакат кечирган ҳаётию мусофирликда вафот топиши, балки ўз халқи ва жаҳон эрксеварлари учун озодлик тимсолига айланишгач, Ислом уммати тарихига тажовуз қилаётганлар томонидан таржимаи ҳоллари бир хилда бузиб кўрсатилиши билан ҳам ўхшаш бўлган. Асл исми Денгав ўғли Али бўлмиш имом Шомил 1796 йили Догистоннинг қичкинагина Гимри қишлоғида тугилган. Ота-онаси уни

такводорлик рухида тарбиялашга ҳаракат қилишди. Шомил ёшлигидан араб тилини ўзлаштирди, Куръони каримни ёд олди, Суннат ва араб адабиётини ўрганди. Шундан сўнг у ҳарбий фан сирлари, ўзини ўзи химоя қилиш амаллари ва чавандозлик кўникмаларини ўзлаштирди. Улғайгач, Шомил фикх соҳасида факих ва тенги йўқ қаҳрамон жангчи бўлиб етишди. Бунга унинг бақувват жуссаси ва икки метрдан ошган бўйи омил бўлди. Ун тўққизинчи аср бошида Шимолий Кавказ мусулмонлари босқинчилик сиёсатини рўёбга чиқариб бораётган Россия империясига қаршилик кўрсатиб, минтақани ўрис босқинчиларидан химоя қилиш мақсадида Чеченистон ва Догистон ҳудудида Исломи давлат тузишди. Имом Шомил мусулмонлар қўшинининг олдинги сафида бўлиб, босқинчиларга қарши қаҳрамонларча курашди. Жанглардан бирида оғир яраланиб, ҳаётдан маҳрум бўлишига сал қолгунча ҳамиша жангчилар билан елкама-елка бориб, жанг мадонида жасорат намуналарини намоён этди. 1834 йили имом Шомил Кавказ имомати номи ила танилган Исломи давлатнинг учинчи имоми сифатида мусулмонларга раҳбар этиб сайланди. Ўрис босқинчиларига Кавказ минтақасида олға илгарилаб, тезроқ босиб олиш учун мусулмонларнинг тарқок ҳолати қўл келар эди. Буни тушунган имом Шомил давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятини тарқок қабилаларни бирлаштиришга уринишдан бошлади. Бир вақтнинг ўзида имом давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ишларини тартибга солишга ҳаракат қилди. У зақот йиғиш тизимини ташкиллаштириб, тушган маблағни қамбағаллар ва эҳтиёжмандлар орасида тақсимлади. Шунингдек, у бошқа минтақалардаги мусулмонлар билан алоқа боғлашни давом этиб, босқинчиларга қарши курашда ёрдам қидирди. Имом Шомил усмонийлар пойтахти Истамбул билан бевосита алоқада бўлди. Россия империясига нисбатан адоват сақлаган Европадаги христиан давлатларнинг раҳбарлари билан ҳам ёзишмалар олиб борди. Асирга олинган ўрис аскарларидан янги қурол ишлаб чиқариш усулларини ўрганиб, ўз армиясини ривожлантириб борди. Урисларнинг сон жихатдан устунлиги ва пухта қуролланганлигини билган имом Шомил уруш олиб боришнинг партизанча усулини танлади. Унинг Кавказ ўрмонлари ичра кезиб юрадиган армияси босқинчи қўшинлар устига арслондай ташланиб, Россия империяси армиясига нисбатан катта талафотлар етказиб борди. Имом Шомил армиясининг шонли қалабалари ҳақидаги янгиликлар жаҳон бўйлаб тарқалди. Дунёнинг турли бурҷакларидаги эрксевар курашчилар ўриснинг босқинчи армиясига бас қелиб, беаёв қаршилик кўрсатишни давом этаётган буюқ сарқарда ҳақидаги хабарлардан руҳланиб борди. Жаҳоннинг имом Шомилдан ибрат олган озодлик учун курашчилари орасида француз босқинчиларига қарши қуролли ҳаракат етакчиси амир Абдулқодир Ҳазоирий ҳам бўлиб, Аллох унинг қисматида айни вақтда Ҳазоир революциясига раҳнамолик вазифасини ёзган эди. Россия империясининг мағлубиятлари ўрислар юртининг обрўйини тушириб ташлади. Бинобарин, ўрис подшоҳи Александр II ўрислар армиясини қийраётган даҳшатни йўқ қилиш учун Кавказ минтақасига қўшимча ҳарбий қуч йўллади. Имом Шомилнинг қўзғолонига барҳам бериш, халқнинг имом қўшинларига мадад беришини тўхтатиш мақсадида ваҳший ўрислар Кавказ минтақасида ёндириб қовжиратиш сиёсатини рўёбга чиқарди. Қишлоқ хўжалиги мулки, имом Шомил беқиниши мумкин бўлган ўрмонлар қонхўр ўрис босқинчилари томонидан аёвсиз ёндирилди. Айни вақтда, пул берган босқинчи ўрислар томонига ўтишга мойил қурбқурушлар имом Шомилнинг озодлик ҳаракатига хиёнат қилишди. Афсуски, Усмонийлар империяси бу вақтда заифлашиб, парчаланиб кетиш ҳолатига қелиб қолган эди. Шундай қилиб имом Шомил Россия империясига қарашли ёв лашқари ва ўрислар томонга ўтиб кетган ҳоинларга қарши курашда ёлғиз ўзи

колди. Шунга карамай, Ислом уммати кахрамони боскинчиларга таслим бўлишдан бош тортиб, ўрисларни аждодлар еридан кувиб солганча, озодлик учун курашни давом этди. Натижада Россия империяси имом Шомил билан музокаралар ўтказиш, унинг шартларини қабул қилиш ва унга Усманийлар империяси ерига қўшилишга рухсат беришга мажбур бўлди. Аммо хиёнаткор ўрислар ўз табиатига хос аблахона йўл тутиб, шартнома шартларига амал қилишмади. Ўрис боскинчилари пайт пойлаб имом Шомилни қўлга олишди ва уни империя пойтахти Санкт-Петербургга олиб кетишди. Ўрис подшохи Александр II билан юзма-юз учрашгач, имом Шомил Киевга сургун қилинди. Гарчи христианликнинг православие мазхабига эътикод қиладиган ўрислар Ватанини босиб олган, табиатларига хос мунофиқона иш тутганча қўлга олиб, сургун қилишган, ўрис подшохининг конхўр армияси Кавказнинг бегуноҳ аҳолисини вахшиёна қириб бораётган бўлса ҳам имом Шомил амир Абдулқодир Жазоирийнинг Шом христианларини ўз паноҳига олганидан хабар топгач, унга нома йўллаб, мўмин мусулмонга хос диний бағрикенглик, раҳм-шафкат ва одамийлик намунасини намоён этганидан хурсанд бўлиб, қутлади. Жўяли мулоҳаза юритиб қўриладиган бўлса, бунинг ҳеч бир хайратланарли ери йўқ. Зеро, имом Шомил ҳам, амир Абдулқодир Жазоирий ҳам болаликдан Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидаги, унинг одамларга нисбатан инсоний бағрикенглик тамойиллари ҳақидаги ривоятлардан тарбиявий таъсир топиб улгайишган, шахс сифатида камол топишган. Католик французлар томонидан бегуноҳ жазоирликларга нисбатан кўрсатилган адолатсиз муносабат, православ ўрислар томонидан Кавказдаги тинч аҳоли орасида содир этилган оммавий қотилликлар мусулмонлар юртида яшайдиган бегуноҳ католиклару православларга нисбатан кўрсатиладиган адолатсиз муносабатни оқламайди. Бундай тамойилни иккала буюқ саркарда Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактабида пухта ўзлаштириб олишган. Имом Шомил амир Абдулқодир Жазоирийга йўллаган номасида қуйидагича марҳамат қилади: «Христианларни меҳр ва муҳаббат ханоти остига олганингни, Ислом шариатида хилоф иш тутганларга қрршилиқ кўрсатиб, шарафла қолиб чихканингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Бу ишинг учун фарзандлару мол-дунёнинг фойдаси тегмайдиган Қиёмат кунида Қодир Аллохнинг марҳаматида учрагайсан. Дарҳақиқат, сен бу ишинг билан Аллох таоло Ўз бандаларига бўлган муҳаббатига иқтидор сифатида юборган элчиси - энг буюқ Пайгамбарнинг қаломига бўйсунгансан ва унинг улуг ибратидан юз ўғирганларга тўскинлик қилгансан. Қодиру Зулжалолнинг шариатида қарши қикқанлардан Аллохнинг Ўзи асрасин сени. Сенга бўлган самимий дўстлик туйғуларимдан қалолат сифати-даги ушбу номани қилган ишингга қасанно айтиш истагида тез йўллашга ошиқдим». Номани олган амир Абдулқодир Жазоирий ўз биродарига қуйидагича қавоб йўллади: «Бул сўзлар Аллохнинг улкан марҳаматида эҳтиёжманд бўлмиш Абдулқодир ибн Мухиддин Қассанийнинг сўзлари бўлиб, Аллох йўлида дўст тутинган дўсти ва биродари шонли Шомилга аталгандир. Аллох сендан ва биздан ўз юртимизда ҳам, мусофирликда юрганимизда ҳам қоли бўлсин. Аллох таоло бизга ўз марҳаматию тинчлигини ато этсин. Эҳтироминг изҳор этилган, самимий сўзларинг қитилган номанг-ни олиб қалбимиз хўп қувонди». Қўп йиллик тутқунликдан сўнг, машҳур шахсларнинг қоситчилиги ила ўрис подшохи Александр II имом Шомилга сургун қойини тарқ этиб, ҳадж сафарини амалга ошириши учун Қижозга қетишга ижозат берди. Имом Шомил Истамбулга йўл олди. Унинг Туркияга қелганидан хабар топган Усманийлар ҳалифаси Абдулазиз I қудлик билан меҳмонни қаройга қатлиф қилиб, қутиб олиш қантанасида артиллерия бўлин-маси иштирок этишини қуярди. Имом Шомилни қарши олган ҳалифа қаҳрамоннинг қўлини

ўпиб, боскинчи ўрисларга карши чорак аср давомида тинмай курашгани, жанглarda намоён этган жасорат намуналари хакида эшитгани ва уни кўриш шарафига муяссар бўлганидан ўзини бенихоя бахтиёр хис этаётганини маълум килди. Имом Шомилни халифа саройида кўрган кавказлик мухожир, султон гвардияси кўмондони Осман Фарид Шафли ўз хиссиётини куйидагича тавсифлайди: «Имом Шомилни кўриб, турган жойимда котиб колибман. Ул зоти .иариф менинг бобомни, отамни ва жамики ботир жангчиларимизни жасорат сари рухлантирган кахрамон эди. Ёши анчага борганига ка-рамай, имом ўз хайбатини, кишида хурмат-эҳтиром ва хатто кўркув хиссини уйгатадиган буюк рахнамолик сиймосини саклаб колган эди». Хаж мавсуми келишини кутган имом Шомил ўз оиласи билан Усманийлар халифаси Абдулазиз I тухфа килган саройда колди. Халифа унга каттагина нафака тайинлади. Истамбулда яшар экан, одамлар ушбу афсонавий шайхни ўз кўзи билан кўришга ошиқди. Таассуфки, ўша даврда жамики янгиликлар Усманийлар халифаси Абдулазиз I билан Миср хукмдори хадив Исмоил ўртасидаги шахсий муносабатларнинг кескинлашуви хакида бўлди. Уртада уруш бошланиб кетиш хавфи юзага келиб колди. Шунда имом Шомил халифа билан хадивни яраштириб кўйиш максатида воситачилик килишга ахд килди. Боз устига, миср армияси кўмондонларининг аксарияти кавказлик йигитлар эди. Ёнгинга айланмай туриб фитна оловини вақтида ўчиришни ният килган имом Шомил тобора ёмонлашиб бораётган соглиги юзи ва харакатига таъсир ўтказаётганига карамай, Миср томон йўл олишга ахд килди. Уни Мисрга олиб келиш учун хадив Исмоил ўзининг «Махрус» кемасини юборди. Искандарияда эса уни Миср тахтининг вориси Тофик пошшо кутиб олди. Имом Шомил Догистоний Миср хукмдорининг саройига кириб келиши хамоно, унинг сиёсий харбийбўхронга бархам бериш максати кўзланган тинчликпарварлик вазифаси муваф-факиятли амалга ошди. Имом Шомилнинг Мисрга ташрифи Аллохнинг иродаси ила Сувайш каналининг очилиш маросимига тўгри келди. Жахон хукмдорларини каналнинг очилиш тантанасига таклиф килаётган хадив Исмоил имом Шомил хам ушбу маросимда иштирок этишини талаб килиб, каттик туриб олди. Таклифнома йўлланган одамлар орасида эса жазоирлик баходир амир Абдулкодир Жазоирий хам бор экан. Шу кунгача вақти-вақти билан ёзишиб борган икки буюк саркарда мана нихоят Мисрда юз кўришишди. Улар ўртасида маънавий алока юзага келганидан буён узок йиллар ўтди, Аллох таолонинг иродаси ила иккала биродар ўз юртларидан олисда, ўртада учрашди. Иккаласининг кисмати бирдай, иккаласи худди бир вақтда иккита танага кириб олган, кураш, туткунлик ва сургундан нихоятда толиккан битта рухдай кўринди. Хадис(смоил икки буюк дохий - амир Абдулкодир Жазоирий билан имом Шомил Догистонийни канал лойихаси устида ишлаган юкори мартали француз амалдорлар ва мухандислар даврасида турган холатда эсдалик учун суратга туширди. Шундан сўнг, имом Шомил хаж амалларини бажариш учун Хижоз ?мон сузиб кетди. Маккадаги хожила Кавказнинг афсонага айлан шухрати дунёга таралган кахрамонини ўз кўзи билан кўриш иш-иёкида хўп уймаланишди. Маккадан чиккан имом Шомил Расул-э-х соллаллоху алайхи васалламнинг шаҳри - Мадинага йўл олиб, Лухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг масжидида намоз ўкиди. убхоналлох, кавказлик кахрамонга 1871 йили Мадина шаҳрида боий дунёга рихлат килиш насиб килди. Жанозаси Масжиди набавийда килгай буюк саркарда имом Шомил Догистоний Бако мазорига, кахрамон саҳобаларнинг ёнига дафн этилди. Кавказ юртидан чиккан Ислон уммати кахрамони имом Шомил Догистоний томонидан битилган буюк инсоний хаёт эпопеяси шу тарика нихоясига етди. Аллох уни ўз рахматига олиб, Фирдавс жаннатининг чексиз богларидан жой берсин.Имом Шомил

Догистонийнинг тарихи ўрис боскинчиларига карши урашнинг дастлабки харакатини бошкарган чечен халки кахрамони монидан анча олдин бошланган Кавказ каршилигининг бир лавхаси булди холос.

Ат-Туробийнинг "Ислом умматининг 100 буюк шахси" китобидан